


**Халқаро валюта жамғармасининг тизимлари:** www.imf.uz

Бу тадбирларнинг барча халқаро ҳамжамият, халқаро ташкилотлар ва хорижий инвесторлар учун республиканинг очиқлигидан далолат беради ва зарур маълумотларни эркин олиш имкониятини яратади.

бўйича "Кумуш даража"га эришади.

Статистика органлари фаолияти давомида давлат статистика ҳисоботларини йиғишдан ташқари, турли хил кузатувларни амалга оширишни барчага маълум. Яқин кунларга қадар кузатувлар қоғоз кўринишида амалга ошириб келинган, жорий йилдан эса халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда кузатувларни махсус қурилмалар, яъни планшетлар орқали ўтказиш амалиётга жорий этила бошланди. Бу ишлар нарх кузатувлари бўйича, синов тариқасида, дастлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бошланиб, ҳозирги кунда республиканинг барча ҳудудларида тўлиқ жорий этилди.

Планшетлар орқали кузатувларни ўтказиш энг аввало тезкор ахборот олиш имкониятини беради, қолаверса маълумотларни қайта ишлашда хатоликларни олдини олади, вақт ва ортиқча қоғоз сарфи камаяди, меҳнат унумдорлиги ошади, нархларни ўрганиш шаффофлик мезони асосида амалга оширилади ҳамда ёлғон ва нотўғри ахборот беришга чек қўйилади.

**III. Халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинувини йўлга қўйиш борасидаги тадбирлар юзасидан** соҳани ривожлантириш бўйича МДХ Статистика қўмитаси, БМТ Европа иқтисодий комиссияси, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, ЮНФПА, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси билан яқиндан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

**Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига тайёргарлик кўриш**

**Ташкил этиш босқичлари**

- I — Тадбир олди тайёргарлик ишлари **(3 йил)**
- II — Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш **(10 кундан 60 кунгача)**
- III — Тадбир натижаларини қайта ишлаш ва эълон қилиш **(2 йилдан 3 йилгача)**

**Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига тайёргарлик кўриш босқичлари**






2019 йилнинг ўтган даврида мазкур халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотлар билан **40** дан зиёд турли йўналишларда қўшма тадбирлар ўтказилди. Тошкент шаҳрида соҳага оид бир қатор халқаро даражадаги семинарлар, жумладан аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари, барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида тадбирлар ташкил этилди.

Ушбу ҳамкорликлардан асосий мақсад соҳага доир амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижаларини, қолаверса мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичларини жаҳон ҳамжамиятига тўғридан-тўғри ҳаққоний, тезкор ва очиқ етказиб бериш ҳисобланади. Мисол тариқасида, БМТ статистика департаменти билан ҳамкорликдаги тадбирлар натижасида мазкур ташкилотнинг **Комтрейд маълумотлар базасига** уланилди ва унда Ўзбекистоннинг ташқи савдо статистикаси товарлар ва давлатлар кесимида тўлиқ акс эттирилишига эришилди. **12 та халқаро молиявий-иқтисодий ташкилот** билан ахборот алмашинуви йўлга қўйилиб, уларнинг махсус **28 турдаги саволномалари** асосида статистик маълумотларни ўз муддатида етказилиши таъминланмоқда.

Ўзбекистон 2018 йилнинг май ойидан бошлаб ХВЖнинг **кенгайтирилган маълумотларни тарқатиш умумий тизимига** уланган бўлиб, мазкур тизим доирасида зарур маълумотларнинг мунтазам равишда янгилаб борилиши таъминланмоқда. ХВЖ ва бошқа халқаро молия институтлари ва инвесторларнинг мамлакатга инвестиция киритиш шартларидан бири, айнан ХВЖнинг маълумот алмашиш тизимларидан бирига қўшилиши ҳисобланади. Бу тизимга дунёнинг деярли барча давлатлари ва йирик молиявий-иқтисодий ташкилотлари уланган. Шу билан бирга, 2020 йилда **маълумотларни тарқатиш махсус** стандартига ўтиш борасида Ҳукуматнинг алоҳида "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, Молия вазирлиги, Марказий банк ва "Тошкент" биржаси билан ҳамкорликда уни ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

**IV. Мамлакат миқёсида амалга ошириладиган йирик тадбирларда статистика идораларининг иштироки бўйича, биринчи навбатда, 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш** тадбирларини ўтказишга пухта тайёргарлик кўриш масаласи долзарб аҳмият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси"ни тасдиқлаш тўғрисидаги 5655-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси томонидан манфаатдор вазирлик ва идораларнинг масъул мутахассислари иштирокида **Ишчи гуруҳи тузилиб**, халқаро тавсиялар ва хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Европа статистиклари конференциясининг аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш бўйича асосий тамойиллари ва тавсияларидан **асос сифатида** фойдаланилди.

Шу билан бирга, МДХ, Осиё ва Европа мамлакатларининг ушбу соҳадаги тажрибаси, шунингдек, аҳолини рўйхатга олиш бўйича Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Украина, Озарбайжон, Қирғизистон, Арманистон, Тожикистон, Молдова, Литва, Латвия, Буюк Британия ва бошқа давлатларнинг тажрибаси ўрганилди.

Ўз навбатида "Аҳолини рўйхатга олиш" тадбирлари натижасида олинган статистик маълумотлар кўпгина халқаро моли-

зоий-иқтисодий ташкилотларнинг базаларида Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларни янгилашга имкон беради.

Маълумки, Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2015 йилда қабул қилинган **2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадларига** қўшилган.

Шундан келиб чиқиб, Статистика қўмитаси томонидан БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда **"Миллий ахборот портали"** яратилиб, тест режимида ишга туширилди ва мавжуд индикаторлар бўйича статистик маълумотлар жойлаштириб борилмоқда.

Яна бир муҳим тадбир, оналар ва болалар турмуш тарзини акс эттирувчи ЮНИСЕФ ташкилоти васийлигида ўтказиладиган **мультииндикатор кластер кузатувларидир.**

2020 йилда ўтказилиши режалаштирилган кузатувлар **5** та модулли саволнома асосида, **200** дан зиёд индикаторлар бўйича **14520 та уй хўжалигида** ташкил этилади. Мазкур тадбирнинг натижалари ҳам ЮНИСЕФнинг бир қатор маълумотлар базасида Ўзбекистон бўйича статистик маълумотларни янгилашга имкон беради.

Бундан ташқари, **Халқаро таққослаш дастури** 2020 йил глобал раундида иштирок этиш режалаштирилган бўлиб, бу борада МДҲ Статистика қўмитаси билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган. Бунинг натижаси республика ЯИМ ҳажмини бошқа давлатлар билан ҳаққоний ва ишончли солиштириш учун асосий замин бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, Жаҳон банки томонидан мамлакатлар миллий статистикасининг салоҳияти 2004 йилдан буён халқаро миқёсда **"Статистика фаолияти самарадорлиги индекси"** бўйича баҳолаб борилади. Мазкур индекс 4 йўналишда 39 индикатор бўйича баҳоланади. Баҳолашда халқаро талабларга жавоб берадиган методология ва классификацияларнинг мавжудлиги, рўйхатга олишлар ва кузатувларнинг ҳаққоний ўтказилиши ва ишончлилиги, асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилиги, статистик ахборотларнинг очиқлиги каби мезонларга асосий эътибор қаратилади.

**Баҳолаш 4 та йўналишда 39 та индикатор бўйича амалга оширилади**

THE WORLD BANK

Жаҳон банки статистика фаолияти самарадорлигини баҳолаб боради

| | |
|---|---|
| Методология, стандартлар ва классификациялар<br>12 та индикатор | Хатловлар ва кузатувларни ўтказиб борилиши<br>8 та индикатор |
| Асосий кўрсаткичларни мавжудлиги<br>12 та индикатор | Очиқлик ва ахборотларни тарқатиш<br>7 та индикатор |

**Жаҳон банкининг "Статистика фаолияти самарадорлиги индекси" таркиби**







Мазкур йўналишда Жаҳон банки мутасаддилари билан яқиндан маълумот алмашинуви йўлга қўйилди ва натижада рейтинг доирасида **29 та** индикатор бўйича баҳони кўпга киритилди. Статистика фаолияти самарадорлиги индекси 2018 йил якуни бўйича максимал бўлмиш 100 баллдан Ўзбекистон кўрсаткичи **50,9 баллни** ташкил қилган бўлса, амалга оширилган тадбирлар натижасида 2019 йил якуни бўйича кўрсаткич **67,5 баллга** етди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Давлат статистика қўмитаси томонидан келгусида ҳам бир қатор устувор йўналишларда амалий саъй-ҳаракатлар давом эттирилади.

**Биринчидан,** статистик фаолиятни ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқиш борасида ушбу соҳа бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш ва уларнинг натижасини амалиётга кенг жорий қилиш;

**Иккинчидан,** 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига пухта тайёргарлик кўриб, уни юқори даражада ўтказиш;

**Учинчидан,** 2020 йилда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликдаги мультииндикатор кластер кузатувларини ўтказиш ва натижаларини эълон қилиш;

**Тўртинчидан,** Ўзбекистон Республикасини Халқаро валюта жамғармасининг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатиш умумий тизимидан Маълумотларни тарқатиш махсус стандартига ўтишига эришиш;

**Бешинчидан,** барча турдаги статистик кузатувларни ўтказишда планшетларни тўлиқ жорий этиш бўйича босқичма-босқич тадбирларни давом эттириш;

**Олтинчидан,** босқичма-босқич давлат статистика ҳисоботи шакллари бўйича ҳисоботларни онлайн режимда топшириш имкониятини берувчи махсус дастурий таъминотни амалиётга кенг жорий этиб бориш;

**Еттинчидан,** 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасини "Очиқ маълумотлар глобал индекси" ва "Очиқ маълумотлар барометри" халқаро рейтингларида иштирокини таъминлаш;

**Саккизинчидан,** Жаҳон банки мутахассислари билан ҳамкорликда **Статистика соҳасини ривожлантириш миллий Стратегиясини** ва унинг ижроси юзасидан ўрта муддатга мўлжалланган ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Мазкур тадбирлар натижаси тизим фаолиятини янада такомиллаштиришга, маълумотлар кўламини кенгайтиришга муҳим замин яратади ва Жаҳон банкининг **"Мамлакатлар статистика фаолияти самарадорлиги индекси"**да мамлакат кўрсаткичини юксалтириб боришга хизмат қилади.

Юқорида келтирилган ҳар бир масаланинг амалга ошиши жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, **илм асосида ва тизимли равишда** мамлакат статистик маълумотларининг **ҳаққонийлиги, ишончлилиги ва очиқлигини** таъминлаб беради.

# МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ИСЛОҲОТЛАРИДА ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

**Баходир БЕГАЛОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор**

**Усмон АБДУРАСУЛОВ,**
**Давлат статистика қўмитаси Ахборот хизмати раҳбари - Рақамли ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси**

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика идоралари фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Бу борада соҳани тубдан ислоҳ қилиш, халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибаларни амалиётга кенг жорий этиш ва энг асосийси, статистик маълумотларнинг **ҳаққонийлиги, ишончлилиги ва очиқлигини** таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ва уларга эришишнинг аниқ механизмлари яратилди. Жумладан, сўнгги 3 йил ичида тўғридан-тўғри соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та ва уларнинг ижроси бўйича Ҳукуматнинг 30 дан зиёд ҳужжатлари қабул қилинди.

Тизимда бу борада амалга оширилаётган тадбирлар ва уларнинг натижаларини **5 та асосий йўналиш кесимида** кўриш мумкин.

**I. Статистик-методологик асосларни ва фаолиятни такомиллаштириш йўналишидаги тадбирлар** бўйича Давлат раҳбарининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида тизим олдига қўйилган вазифа, жумладан **замонавий Миллий ҳисоблар тизими методологиясини статистика амалиётига тўлиқ жорий қилиш** масаласи.

**БМТнинг тавсияларига мувофиқ, статистик маълумотлар сифатини бошқариш ва "DatCam" базавий пакетини** жорий этиш борасида Жаҳон банки билан яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда.

Яна бир муҳим омил бу **фойдаланувчиларнинг статистик маълумотларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш** масаласидир. Бу борада 8 та халқаро ташкилот ва 11 та мамлакат статистика идоралари маълумотлар базалари таркиби ва уларнинг бу борадаги тажрибалари яқиндан ўрганиб чиқилди.

**Замонавий Миллий ҳисоблар тизими қоидаларини жорий қилиш**

**Амалга оширилган ишлар**

| Услубий қўлланмалар | Ҳисобот шакллари |
|---|---|
| Янги ишлаб чиқилди – 32 та | 17 та давлат статистика кузатувлари шаклларига |
| Такомиллаштирилди – 5 та | 32 та ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди |

**Техник кўмак кўрсатувчи ҳамкор ташкилотлар**

- Халқаро валюта жамғармаси
- МДҲ Статистика қўмитаси
- Осиё тараққиёт банки
- БМТ Европа Иқтисодий Комиссияси

Олиб борилган амалий ишлар натижасида бугунги кунда қўмитанинг сайтида **20 та бўлимда 500 га яқин тўплам** жадвал кўринишида **1 млн. дан** зиёд макроиқтисодий кўрсаткичлар эълон қилинмоқда.

Бундан ташқари, замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда таҳлилий-статистик маълумотларни тайёрлаш ва эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Давлат статистика ҳисоботларини **объектив, ҳаққоний ва ўз вақтида топширишни таъминлаш** борасида ҳисобот топширувчи субъектлар ўртасида доимий равишда профилактика ишларини олиб боришга эътибор қаратилди.

**II. Фаолиятда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) имкониятларидан кенг фойдаланиш** юзасидан барча ойлик, чораклик ва йиллик давлат статистик ҳисоботларини субъектлар томонидан **e-Стат 3.0** Автоматлаштирилган ахборот тизими орқали топшириш **тўлиқ йўлга қўйилди**. Яъни, ҳисобот топшириш жараёнида инсон омили бутунлай чекланди.

Бундан ташқари, қўмита ва вилоят бошқармаларининг расмий сайтларида **13** турдаги интерактив хизматлар кўрсатиш кенг жорий этилди. Ҳисобот топширувчи субъектларнинг **шахсий кабинетлари** яратилди, статистик маълумотлар ва нашрларни онлайн тарзда электрон **харид қилиш** хизмати жорий этилди.

Халқаро ташкилотлар талабидан келиб чиққан ҳолда 6 хилдаги форматда сайт орқали статистик маълумотларни юклаб олиш имконияти яратилди.

Мисол тариқасида, жорий йил бошида Очиқ маълумотлар порталида эълон қилинган маълумотлар тўпламлари сони **4000 атрофида** бўлган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони **6500 дан** ошди. Порталда **137 та** вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ўз маълумотларини жойлаштириб бормоқда. Натижада, Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар Портали ва қўмитанинг расмий веб-сайти халқаро Очиқ маълумотлар Институтининг баҳолаши

